

Суфён Саврийнинг тундаги ҳолати

Image not found or type unknown



07:00 / 12.02.2019 2875

Абдурраҳмон ибн Маҳдий айтади: «Суфён Саврий раҳматуллоҳи алайҳдек қалби юмшоқ инсонни кўрмаганман. Мен кечаси у зотнинг ибодатларини кузатардим. У зот кечанинг фақат аввалида ухлар, кейин чўчиб уйғонар, сапчиб туриб, худди уйдаги бирор кишига айтаётгандек, «Дўзах! Дўзах ёди! Мени уйқу ва шаҳватларга машғул қилиб қўйди!»

Кейин таҳорат олар, таҳорат қилиб бўлгач, «Аллоҳим, ҳожатларимни билгувчи Зотсан, менинг сўраганимни Сендан ўзга билмайди. Сендан фақат дўзахдан озод қилишингни сўрайман. Аллоҳим, Сендан кўрққаним мени хотиржам қилмайди. Буларнинг барчаси Сенинг менга берган неъматингдир. Дўстларингга, ибодатингда қоим бўлганларга шундай марҳамат кўрсатгансан. Аллоҳим, биласан, агар менга узлатга чиқиб, холи бўлишга узр бўлсайди, одамлар орасида кўз очиб юмгунча ҳам қолмас

эдим», деб дуо қиларди. Кейин намозга киришар эди. Йиғиси қироат қилишга халақит берар, кўп йиғлаганидан қироатини эшитмай қолардим. Уялганимдан, унинг ҳайбатидан қўрққанимдан унга қарай олмасдим».

«Солиҳлар гулшани» китобидан